

**БУХОРО-102 ВА ПОРЛОҚ-1 ҒЎЗА НАВИНИНГ СУВ-ЎҒИТ  
(НРК) МЕЎЁРИ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИ.****Бойназаров Одил Шарофович<sup>1</sup>**<sup>1</sup> *Агрокимё ва агротупроқшунослик кафедра мудри***Ботиров Содик Аҳмад ўғли<sup>1</sup>**<sup>1</sup> *Ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедра ўқитувчиси***Эшбоев Отабек Хасан ўғли<sup>1</sup>**<sup>1</sup> *Агробиология факултети карантин йўналишининг 1-курс талабаси  
Термиз агротехнологиялари ва инноватсион ривожланиш институти***МАҚОЛА  
МАЪЛУМОТИ:****АННОТАЦИЯ:****МАҚОЛА ТАРИХИ:**

Received:08.11.2024

Revised: 09.11.2024

Accepted:10.11.2024

**КАЛИТ СЎЗЛАР:**

*Мамлакатимиз  
иқлим-тупроқ  
шароитларига мос  
ғўза навларини  
яратиш,  
жойлаштириш,  
амалиётга жорий  
этиш бугинги кун  
пахтачилигининг  
асоси вазифасидир.*

*Юқоридагиларни иноботга олган ҳолда  
Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги  
“Бектепа МЕРСАЖ” фермер хўжалигида кучсиз  
шўрланган, ер ости сувлари сатҳи 0,5-2,0  
метрда бўлган оч тусли бўз тупроқлари  
шароитида 2016 йил дала тажрибалари  
ўтказилди*

**КИРИШ.**

Мамлакатимиз иқлим-тупроқ шароитларига мос ғўза навларини яратиш, жойлаштириш, амалиётга жорий этиш бугинги кун пахтачилигининг асоси вазифасидир. Тез пишар, ҳосилдор, пахта толаси бозор талабларига жавоб бера оладиган касаллик ва зараркунандаларга чидамли, турли даражада шўрланган ерларга мос, сув, қурғоқчилик, ҳароратга, гаремсел, айниқса ҳаво ниспий намлигига

бардошли бўлиши устида мутахасислар, селекционер олимлар изланиш-тадқиқотлар олиб боришмоқдалар ва каттагина ютукларга эришмоқдалар. (3)

Ҳар йили истиқболли, ғўза навлари ишлаб чиқариш жорий этилиб, катта ер майдонларида минтақалар, вилоятлар, туманлар мисолида экилиши таъминланмоқда. Юқоридагиларни иноботга олган ҳолда Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги “Бектепа МЕРСАЖ” фермер хўжалигида кучсиз шўрланган, ер ости сувлари сатҳи 0,5-2,0 метрда бўлган оч тусли бўз тупроқлари шароитида 2016 йил дала тажрибалари ўтказилди. Тадқиқотлар ЎзПТИТИ нинг услубий кўланмаси асосида олиб борилди (1).

Тажриба 8 та вариант 3 та такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлакча 8 катордан эни-7,2 м, бўйи 40 м, майдони 288 м<sup>2</sup> ташкил этади. Районлаштирилган ўрта толали Бухоро-102 (назорот) ғўза навига нисбатан Порлок-1 ғўза навининг ҳосилдорлигини икки хил ўғит меъёрида N-180, P-120, K-90 кг/га; ва N-230, P-160, K-115 кг/га; иккита суғориш тартибларида ЧДНСга нисбатан 65-65-60 %, 70-70-65 % да ўрганилди. Тажриба тизими 1–жадвалда келтирилган (2).

#### Тажриба тизими

| В<br>ар | Суғориш<br>тупроқ<br>ЧДНС га нисбатан, %<br>хисобид | Ғўза<br>навлари | Маъдан ўғитлармеъёри,<br>кг/га |     |     |
|---------|-----------------------------------------------------|-----------------|--------------------------------|-----|-----|
|         |                                                     |                 | N                              | P   | K   |
| 1       | 65-65-60                                            | Бухоро-102      | 220                            | 150 | 110 |
| 2       | 65-65-60                                            | Порлок-1        | 230                            | 160 | 115 |
| 3       |                                                     |                 | 180                            | 120 | 90  |
| 4       | 70-70-65                                            | Порлок-1        | 230                            | 160 | 115 |
| 5       |                                                     |                 | 180                            | 120 | 90  |

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири унинг агрофизик хусусиятларидир, яъни: чеклангандала нам сиғими (ЧДНС), сув ўтказувчанлик, ҳажм оғирлиги, тупроқ зичлиги, ғоваклиги, донадорлиги ва уларнинг микробиологик фаолияти, ўсимликлар илдизи тармоқларининг жойлашуви, ўсиши ривожланишига боғлиқлиги ўрганилди. Ўсимликларни сув–озика тартиблари тупроқ агрофизик хусусиятлари узвий боғлиқлиги тажрибалар асосида ўрганилиб, ўрганилган ғўза навидан юқори ҳосил олишда ўз исботини топди.

Ўсимликни ўсиши–ривожланиши, ҳосил тўплаши ва пишиши, албатта уларни парваришлашдаги сув озиқа меъёрларига бевосита боғлиқлиги кузатилди.

Жори йилдаги мавсумда Бухоро-102 (назорот) ғўза навига нисбатан Порлоқ-1 ғўза навининг ўсиш ривожланишига суғориш ва озиқлантиришнинг таъсири мавсум бошланганданоқ яққол намоён бўлди. Бу амал даври охирига келиб янада аниқроқ кўринди. Август ойининг бошида олинган фенологик кузатув малумотларга кўра бош поя баландлиги ушбу навларда ўртача Бухоро-102 ғўза навида 1,23 см Порлоқ-1 ғўза навида 1,12см бўлгани кузарилиди

Порлоқ-1 ғўза нави кўсаклари Бухоро-102 ғўза навининг кўсакларидан бир мунча юқори бўлганлиги аниқ бўлди.

Терим олдида 20 август кунги финологик кузатувдан олинган малъумотларга кўра Бухоро-102 ғўза навида 9 та кўсак шу жумладан очилган кўсаклар 8,2 та Порлоқ-1 ғўза нави эса 12,5 та кўсак шу жумладан очилгани 10,8 тани ташкил этди.

Аммо ғўза навларида суғориш меъёрларининг 70-70-65 %, дан 65-65-60 % га NPK нинг 230-160-115 кг/га N-180; P-120; K-90кг/га, да га камайиши кўсакларнинг кичикроқ бўлиб очилишига олиб келди.

Тадқиқот натижалари асосида хулоса қилинганда, Суроҳдарё вилоятининг оч тусли бўз, кам шўрланган сизот сувлар сатхи 0,5-2,0 метрда жойлашган тупроқлар шароитида Бухоро-102 ғўза навига нисбатан Порлоқ-1 ғўза навининг мос келиши аниқланган ҳолда таққосланган Бухоро-102 навига нисбатан кўплаб ижобий кўрсаткичлар кўрсатди. Тадқиқотларда Бухоро-102 ва Порлоқ-1 ғўза навларида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % да, ўғитлар меъёри N-230; P-160; K-115 кг/га қўланилганда Бухоро-102 ғўза навидан 26,9 ц/га Порлоқ-1 ғўза навидан 30,2 ц/га ҳосил олиниши таъминланди.

#### Адабиётлар:

1. Мустафо Б., Ҳамраев Ф.Ҳ Агротехник тадбирларни комплекс қўлашнинг тупроқ унимдорлигига ва пахта ҳосилдорлигига таъсири. Илмий анжуман ЎзПТИ 1999 й 3сентябрь. Тошкент, 2001,-б, 91-92

5. Ёдгоров Д.С., Азимов С., Икромов М. Л. Сувдан оқлона ва самарали фойдаланиш пахтадан мўл ҳосил олишнинг гаровидир. Халқаро Атом Энергияси илмий анжумани. ЎзПТИ, Тошкент, 2003,-б, 118-120.



3. Исаев Р., Д. Рашидова , И. Мамедов. “Кўчат сонининг уруғлик пахта ҳосилли, кўсак йириклиги ва чигит вазнини таъсири” Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналі Тошкент 2009, -б, 9-10.

4. Erkinjon o'g'li, L. A. (2024). SUYAK QADIG'I HOSIL BÒLISH PATOLOGİYALARINI ERTANGI DAVRLARDA ANIQLASH VA DAVOLASH. YANGI O'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(3), 143-147.

5. Латибжонов, А. Э. (2023). ПРЕИМУЩЕСТВА ПРИМЕНЕНИЯ ГЕМИЭПИФИЗИОДЕЗА ПРИ ОСЕВЫХ ДЕФОРМАЦИЯХ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ. Экономика и социум, (11 (114)-2), 727-731.

